

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ**

ЭШПЎЛАТОВ КОМИЛ АБДИСАЛОМОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МЕХНАТ БОЗОРИ ВА КАСБИЙ
ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 - “Демография. Меҳнат иқтисодиёти”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Эшпўлатов Комил Абдусаломович Замонавий иқтисодиётда меҳнат бозори ва касбий таълим узвийлигини таъминлашни такомиллаштириш.....	3
Эшпўлатов Комил Абдусаломович Совершенствование обеспечения непрерывности рынка труда и профессионального образования в условиях современной экономики.....	27
Eshpulatov Komil Abdusalomovich Improvement of maintenance of continuity of labor market and vocational training in the conditions of modern economy.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ**

ЭШПЎЛАТОВ КОМИЛ АБДИСАЛОМОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА КАСБИЙ
ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 - “Демография. Меҳнат иқтисодиёти”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкмиси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tdiu.uz/kengash) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдурахманов Одил Каландарович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Худойбердиев Зайниддин Явқочевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайитов Абдуманнон Бухарович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

К.Х.Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР Фанлар академиясининг академиги, и.ф.д., профессор

Н.Т.Шаюсупова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Ш.Р.Холмўминов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорининг конъюнктураси кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитларида давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Жаҳон амалиётида меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг номуносиблигини таъминлаш, касбий таълимнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда касбий таълим билан ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу ҳолат танланган тадқиқот мавзуси доирасида мақсадли йўналишларни белгилаш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”¹ деб таъкидлаб ўтилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг² устувор йўналишлари сифатида ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим тизимини такомиллаштиришни ўрин олган. Шу сабабдан касбий таълим соҳасини такомиллаштириш, меҳнат бозори билан узвийлигини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

ЮНЕСКО ва DGP консалтинг ташкилоти ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари мамлакат таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани, битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, ўқитиш сифати пастлиги, замонавий ўқув режа ва услублари давр талабига жавоб бермаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» //Lex.uz

каби камчиликлар аниқланди³. Мазкур ҳолат республикада таълим соҳасини, жумладан касбий таълимни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш; касб-хунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга ошириш, касб-хунар коллежлари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда йирик корхоналар - тармоқ бўйсунуви бўйича кадрларга буюртмачилар таркибида фаолият юритишини таъминлашда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори ва иш билан бандликнинг илмий-назарий ва методологик асослари иқтисодий назария классиклари А.Смит, Д.Рикардо, Ж.М.Кейнс, П.Самуэльсон, А.Маршалл, А.Пигу, М.Фридман⁴ ва бошқаларнинг асарларида ёритилган. Жаҳоннинг турли мамлакатларида касбий таълимни ташкил этиш бўйича ғоялар файласуф ва педагог олимлар Т.Мор, Т.Кампанелла, Я.Коменский, Ж.Локк, Д.Дидро, Р.Оуэн, Г.Кершенштейнер ва бошқалар томонидан илгари сурилган.

Касб-хунар таълимини ташкил этиш, уларда ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш, таълим муассасалари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларнинг илмий-назарий ва методологик масалалари ҳозирги давр олимлари ва тадқиқотчилари А.Е.Александров, Г.Ю.Дубянская, П.Ф.Анисимов, В.Н.Васильев, Э.Ф.Зеер, Т.Ю.Ломакина, Л.Л.Молчан, Н.А.Морева, Т.С.Панина, В.А.Самойлов, Н.М.Снопко⁵ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

³ Комплексные исследования системы образования Республики Узбекистан. – Т.: DGP Research and Consulting, 2017.

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / Пер. с англ. Майбурда Е.М. – Москва: Эскимо, 2007; Рикардо Д. Сочинения. – Москва: Наука, 1961; Кейнс Дж. Общая теории занятости, процента и денег / Пер. с англ. Любимова Н.Н.: под ред. Куланова Л.П. – Москва: Гелиос АРВ, 1999. – 321 с.; Самуэльсон П.Э. Экономика / Пер. с англ. 16-е изд. - Москва: Издательский дом "Вильямс", 2003. – 688 с.; Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах / Пер. с англ. - Москва: Прогресс, 1993. - 832 с.; Пигу А. Теория безработицы. – Москва: Дело, 1999. – 251 с.; Friedman Milton. Essays in Positive Economics. - Chicago University of Chicago Press, 1953.

⁵ Всемирная история экономической мысли: В 6 томах / Гл. ред. В. Н. Черковец. — Москва: Мысль, 1987. — Т. I. — 606 с.; Коменский Я.А. Мир чувственных вещей в картинках, или Изображение и наименование всех важнейших предметов в мире и действий в жизни = «Orbis Sensualium Pictus» / Пер. с латинского Ю. Н. Дрейзина; Под ред. и со вступительной статьёй проф. А. А. Красновского. — Изд. 2-е. — Москва: Учпедгиз,

Ўзбекистонда ҳам таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ўқув дастурларини такомиллаштириш, миллий иқтисодиёт учун меҳнат бозорида рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари атрофлича ўрганилмоқда. Ушбу масалалар Қ.Х.Абдурахманов, С.С.Ғуломов, Н.Қ.Зокирова, З.Я.Худойбердиев, О.К.Абдурахманов, Х.Ф.Рашидов, С.А.Каримбеков, М.М.Холмухамедов⁶ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда таълим муассасалари битирувчиларининг касбий меҳнат бозоридаги рақобатдошлиги даражасини ошириш борасида услубий ва концептуал ёндашувларнинг етарлича асосланмаганлиги ва тизимлаштирилмаганлиги ушбу муаммони назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ 2016-2018 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техникавий дастурларига ОТ-А2-53 рақам билан киритилган “Касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ишга жойлашиш технологияси” лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Тадқиқотнинг мақсади таълим муассасалари битирувчиларининг касбий меҳнат бозоридаги рақобатдошлиги даражасини ошириш юзасидан илмий-методологик тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

1957. — 352 с.; Блауг М. 100 великих экономистов до Кейнса (Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past). — Санкт Петербург: Экономикс, 2008. — 352 с.; Кершенштейнер Г. Трудовая школа. / Перевод с немецкого М. И. Дрей. Под ред. и с предисловием Н. В. Сперанского. — Москва: Задруга, 1913. — 64 с. Александров А.Е., Лисов В.И. Новый этап развития начального и среднего профессионального образования г. Москвы. - Москва, 2004. - 236 с.; Дубянская Г.Ю. Императивы развития в первой половине XXI века. Экономика, основанная на знаниях и инновациях: концептуально-теоретические основы. - Москва: МАКС Пресс, 2009. — 295с.; Анисимов П.Ф., Гулявина Н.Л. Роль и место специалиста со средним профессиональным образованием технического профиля в современных условиях модернизации производства. Сборник. Под общей редакцией д.п.н., к.э.н. Демина В.М. - Москва, 2003. - 265 с.; Васильев В.Н., Гуртов В.А., Питухин Е.А. и др. Рынок труда и рынок образовательных услуг в субъектах РФ.- Москва: Техносфера, 2007.- 680 с.; Зеер Э.Ф., Павлова А.М., Сыманюк Э.Э. Модернизация профессионального образования: компетентностный подход. - М.: Моск. психолого-социальный ин-т. 2005. - 216 с.; Ломакина Т. Ю. Научные основы развития непрерывного экономического образования в системе профессионального образования / Ломакина, Т. Ю., Сергеева, М. Г. - М.: Триада, 2015. - 343 с.; Молчан, Л.Л. Методика производственного обучения: учебное пособие / А.Д. Лашук, Л.В. Молчан, С.В. Лашук и др. — Минск: РИПО, 2010. — 191 с.; Морева Н.А. Современная технология учебного занятия. - М.: Просвещение, 2007. - 158 с.; Панина Т. С. Вавилова Л. Н. Современные способы активизации обучения: учеб.пособие. 4-е изд., стер. - М.: Издательский центр «Академия», 2008. - 176 с.; Самойлов В.А. Трансформация рынка образовательных услуг в условиях информатизации. - М.: Экономика. 2005. - 326 с.; Снопко Н.М. Модернизация системы среднего профессионального образования. - М.: Изд-во АПО, 2007. - 187 с.

⁶ Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: учебник. — Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», 2014. — 320 с.; Образование и человеческое развитие: мировая практика и опыт Узбекистана / Под научной редакцией акад. Гулямова С.С., акад. Абдурахманова К.Х. — Т. Ташкентский государственный экономический университет, 2004. — 169 с.; Рашидов Х.Ф. Особенности развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане. — Т.: Фан, 2004. — 288 с.; Каримбеков С.А.. Интеграционные процессы в образовании. - Монография. — Т.: Фан, 2008. - 137 с; Холмухамедов М.М. Совершенствование системы государственной системы поддержки занятости молодежи на рынке труда (на примере Самаркандской области). — Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата наук. — Т.: Институт экономики АНРУ, 2011 — 24 с.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновациявий миллий иқтисодиёт учун малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида замонавий меҳнат бозори билан касбий таълим узвийлигини таъминлашга илмий-назарий ва методологик ёндашувларни умумлаштириш;

касбий таълим тизимининг мамлакат иқтисодиётининг жорий ва истиқбол режаларига мутаносиб равишда меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдаги роли ва ўрнини аниқлаш;

касбий таълим муассасаларининг талабалари – бўлажак мутахассисларнинг амалий кўникмалари ва касб маҳоратларини оширишда “дуаль тизими”ни жорий этилишининг аҳамиятини илмий таҳлил этиш;

Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда касбий таълимда соҳалар ва ихтисосликлар турларига ўзгартиришлар киритиш методологиясини ишлаб чиқиш;

касбий таълим муассасаларида инновациявий педагогик технологияларни жорий этишнинг методологик асосларига аниқлик киритиш;

таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан кафолатли таъминланишига эришиш мақсадида мунтазам мониторингни амалга оширишнинг методологик ёндашувларини асослаш;

Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашдаги ролини баҳолаш;

Мавзу доирасида Қашқадарё вилоятида касбий меҳнат бозорини такомиллаштириш юзасидан амалган оширилган социологик тадқиқот натижалари асосида таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

жаҳондаги ривожланган давлатларнинг самарали касбий таълими тизими тажрибасини миллий таълим тизимида ижодий қўллаш аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республика таълими муассасалари ва меҳнат бозори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети касбий таълим муассасалари билан меҳнат бозори ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида юзага келадиган ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот ишида статистик-иқтисодий ва иқтисодий-математик моделлаштириш, таққослама ва таркибий таҳлил, экстраполяция, эмпирик ҳамда қатор бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касбий таълимни меҳнат бозори талаблари асосида ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаган ҳолда ривожлантириш, касбий таълим тизимидаги таълим йўналишлари ва касбий таълим ихтисосликларини

иқтисодиётдаги жадал янгилинишлар ва ўзгаришларга мос равишда такомиллаштириб боришни назарда тутган ҳолда аниқликлар киритилди;

бутун умр давомида таълим олиш концепцияси бўйича мактабгача, умумий ва касбий таълим узвийлигини таъминлашнинг илмий-методологик асослари мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг касбий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришни ўйинлар орқали амалга ошириш, умумтаълим мактабларида умумтаълим фанларини касбларга боғлаган ҳолда ўқитиш, касбий таълимни ишлаб чиқариш билан уйғун ҳолда олиб бориш, меҳнат бозоридаги рақобатбардошликларини янада оширишлари – турдош ва қўшимча касбларни эгаллашлари, амалий кўникмаларини пухталаштиришлари, меҳнат мобиллигига эга бўлишлари асосида такомиллаштирилди;

касбий таълим муассасаларида талабаларнинг ишлаб чиқаришда қисман банд бўлишлари билан уларни анъанавий таълим тизимида тўлиқ юкмасиз ўқитиш, қўшиб олиб бориладиган таълим дастурларини амалга оширишни назарда тутадиган таълим тизимини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

“инсон капитали”ни бойитишга хизмат қиладиган ўқувчи-талабаларда ижодий тафаккур салоҳиятини ривожлантириш, улар томонидан ахборотларни мустақил топиш ва таҳлил этишга ўргатиш, таълим жараёнининг ташкилотчиси деган ёндашувни назарда тутадиган инновацион педагогик технологияларнинг таълим жараёнига жорий этиш моделлари таклиф этилди;

таълим дастурлари ва ўқув режалари фан-техника тараққиёти ва миллий ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишининг истиқболларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди;

касбий таълимда миллий иқтисодиётнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари мониторингини йўлга қўйиш, мутахассислар тайёрлаш йўналишлари ва мазкур жараёни мақбуллаштириш бўйича методологик ёндашувлар такомиллаштирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

давлатнинг таълим ва кадрлар тайёрлаш сиёсатига аниқликлар киритиш, касбий таълим тизимини такомиллаштириш, давлат ва минтақавий мақсадли дастурларини, истиқбол режаларини такомиллаштириш орқали касбий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорида қафолатланган иш ўринларига эга бўлишларини таъминланди;

таълим дастурлари ва ўқув режалари фан-техника тараққиёти ва миллий ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишининг истиқболларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди;

касбий таълим муассасаларида меҳнат бозори талаблари ҳамда минтақаларнинг истиқболли ривожланиш эҳтиёжларини қондириш талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга

қўйиш орқали маълум касблар бўйича ортикча кадрлар тайёрланиши ҳамда давлат бюджети маблағларини мақсадсиз сарфланишини олди олинди;

нодавлат таълим, шу жумладан касбий таълим муассасаларини ривожлантириш орқали таълим хизматлари кўрсатиш бозорида рақобатни кучайтириш орқали таълим сифатини оширишга эришилди;

меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда “таълим муассасаси - меҳнат бозори - ишлаб чиқариш” ижтимоий шериклигини такомиллаштириш орқали назарий ва амалий таълим нисбатидаги ўзгаришларнинг миқдорга қараганда сифат жиҳатининг оқилона бўлишлиги, назария ва амалиёт алоқадорлигининг кучайтирилиши, педагогик фаолиятнинг иқтисодиёт ва жамиятдаги ўзгаришларга ҳозир жавоблигини таъминланишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотнинг илмий натижаларининг ишончилиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг статистика маълумотларига, соҳанинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланганлиги ҳамда мамлакат илмий ва таълим муассасалари олимларининг илмий асарлари ва хорижий тадқиқотлар, халқаро, республика ва минтақавий илмий симпозиумлар ва конференцияларнинг материаллари ва бошқа ишончли манбаларга асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш касбий таълим тизими ўқув дастурлари ва режаларига зарур ўзгартиришлар киритиш, таълимнинг инновацион технологияларини кенг жорий этиш, миллий иқтисодиёт ва меҳнат бозорининг бугунги кун талаблари ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболли режалари асосида мутахассислар тайёрлаш соҳалари ва турларини қайта кўриб чиқиш йўналишларида илмий аппаратни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, касбий таълим тизимида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш даражасини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, “Меҳнат иқтисодиёти”, “Меҳнат бозори иқтисодиёти”, “Кадрлар менежменти” фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий иқтисодиётда меҳнат бозори ва касбий таълим узвийлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича хулосалар асосида:

касбий таълимда миллий иқтисодиётнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари мониторингини йўлга қўйиш, мутахассислар тайёрлаш йўналишлари ва мазкур жараённи мақбуллаштирилишида методологик ёндашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018

йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 22 декабрдаги МХ-01/05-221-сон маълумотномаси). Натижада 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга ошириш ҳамда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга ошириш белгиланди. Бу эса давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш имконини берган;

меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда “таълим муассасаси – меҳнат бозори – ишлаб чиқариш” ижтимоий шериклигини такомиллаштириш вазифалари “Касб-ҳунар коллежларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 22 декабрдаги МХ-01/05-221-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсадли параметрларига ва меҳнат бозори прогнозига мувофиқ, кадрларга бўлган мавжуд реал эҳтиёжни инобатга олиб касб-ҳунар коллежларини тармоқ бўйсунуви асосида тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар тасарруфига ўтказиш ва алоҳида мутахассисликлар (касблар)га эҳтиёж ва талаб паст бўлган касб-ҳунар коллежлари умумий сонини оптималлаштирган ҳолда уларни қисман қайта ташкил этиш амалга оширилади. Бу эса давлат бюджети маблағлари ортиқча сарфланишини олдини олган;

касбий таълим муассасаларида “дуаль тизим”ни амалиётга жорий этиш концепцияси “Ўзбекистон Республикасида касб-ҳунар таълими тўғрисидаги низом” лойиҳасини ҳамда “Касб-ҳунар коллежларига қабул квоталарини шакллантириш тартиби тўғрисида низом” лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 22 декабрдаги МХ-01/05-221-сон маълумотномаси). Натижада кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корхоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади. Касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш пулли-контракт ўқитишдан тушадиган маблағлар, вазирликлар ва идораларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши давлат бюджетига енгиллик яратган;

“инсон капитали”ни бойитишга хизмат қиладиган инновацион педагогик технологияларнинг таълим жараёнига жорий этиш моделлари касб-ҳунар таълими тизими педагог кадрлари малакасини ошириши ва уларни қайта тайёрлашнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш, педагог кадрлари малакасини ошириши ва уларни қайта тайёрлаш тизимини

бошқаришнинг янги вертикалини ташкил этишда фойдаланилган (Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 22 декабрдаги МХ-01/05-221-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб эҳтиёж юқори бўлган ва мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази томонидан қабул қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация ишининг мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини ақс эттирадиган 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 5 та мақола, 3 та тезис эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 117 бетдан иборат бўлиб, 27 та расм ва 15 та жадвални ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлантишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида замонавий миллий иқтисодиёт учун малакали кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида ушбу таълим муассасалари билан меҳнат бозори ўртасида узвийлик таъминланишининг илмий-методологик ва амалий масалаларини ўрганишга асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Глобаллашув шароитларида касбий меҳнат бозорининг ривожланишига илмий-методологик ёндашувлар”** деб номланиб, замонавий меҳнат бозори амал этишининг илмий-назарий концепциялари, меҳнат бозори учун малакали кадрлар тайёрлашнинг илмий-методологик мезонлари, умумтаълим ва касбий таълим узвийлигини таъминлашнинг илғор хорижий моделлари ўз аксини топган.

Амалга оширган тадқиқотларимиз натижасида замонавий меҳнат бозорига ижтимоий-меҳнат муносабатлари нуқтаи назаридан ёндашишни асослаш имконини берди. Бунда меҳнатнинг қиймати субъектив равишда

ходимнинг меҳнат қилиш шахсий салоҳияти (билими, малакаси, тажрибаси, соғлиғи ва ҳоказолар), объектив равишда эса - муайян хусусиятларга эга бўлган иш кучига ижтимоий эҳтиёж билан белгиланади.

Замонавий постиндустриал иқтисодиётда янги технологиялар ва ноу-хауларнинг кенг жорий этилиши, саноатнинг ахборот-коммуникация технологиялари каби янги соҳаларининг пайдо бўлиши билимларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантirdи. Бундай иқтисодиёт “билимларга асосланган иқтисодиёт” номини олган ва у турли шакллардаги билимлардан фойдаланибгина қолмасдан, балки мазкур билимларни юқори технологияли маҳсулотлар, юқори малакали хизматлар, илмий маҳсулот ва таълим сифатида яратади (1-расм). Шунинг учун Питер Друкер ўзининг “Таълим инқилоби” асарида “инсон ва унинг билими капиталдир ва бу деярли ягона капиталдир”⁷ деб тасдиқлайди.



1-расм. Билимга асосланган иқтисодиётнинг таркибий қисмлари⁸

Меҳнатни билимлар билан алмаштириш билан боғлиқ туб ўзгаришларнинг моҳияти шундан иборатки, билимлар ресурсларни қайта ишлашга жалб қилинар экан, меҳнат эмас, балки бевосита билимлар қиймат манбаи сифатида намоён бўлади. Моҳият жиҳатидан “қийматнинг меҳнат

⁷ Drucker P. F. The Educational Revolution//Social Change: Sources, Patterns and Consequences, 1973, p. 236

⁸ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

назарияси” “билимлар томонидан яратиладиган қиймат” назарияси билан алмаштирилади.

Инновациявий иқтисодиётда ҳар бир мамлакатнинг салоҳияти ва инвестициявий жозибадорлиги асосан меҳнат ресурсларининг сифати, яъни, биринчи навбатда, таълим даражаси билан белгиланади. Бунда таълим даражаси икки хусусиятга эгадир:

биринчидан, аҳоли маълумотининг даражаси иқтисодиётга сармоя киритишга тайёр бўлган инвесторлар учун зарур малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва меҳнат бозорининг уларга бўлган талабини қондириш учун етарлиги;

иккинчидан, миллий таълим тизимининг кўлами ва таркиби иқтисодиёт тараққий этишига мутаносиблигини таъминлайди ҳамда ана шу салоҳиятни иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Таълим инсоннинг ўзига, жамиятга ва иқтисодиётга келтирадиган нафи билан аҳамиятлидир (2-расм).



2-расм. Таълим тизими самарадорлигининг шахс, жамият ва миллий иқтисодиётга таъсири⁹

Олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда академик таълим - 16,0%, ўрта касб-хунар таълими - 11,0 % иқтисодий самара келтириши ҳисоблаб чиқилган. Бунда касбий таълимга инвестициялар унинг инсон капиталини шакллантиради ва муайян даврдан сўнг ўз эгасига қуйидаги формула бўйича фойда келтиради:

⁹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

$$Y_n = (X_0 + R) \times C_n,$$

бунда, Y_n - n йил таълимга эга шахсининг иш ҳақи;

X_0 - ноль даража таълимга эга ходимнинг иш ҳақи;

R - таълимга сарфларнинг жорий самараси нормаси;

C_n - n йил таълим олиш давомида инвестициялар ҳажми¹⁰.

Меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти асослари, касбий тайёргарлик шакллантирилишининг тенденцияларини таҳлил қилишимиз “меҳнат-таълим” тизимида жамият ривожланишининг объектив қонунлари такрор ишлаб чиқариш жараёнида ривожланиб борадиган касбий-малака таркибида меҳнат соҳаси бирламчи эканлигини кўрсатди. Бунинг натижасида муайян малака ва касб-корга эга бўлган кадрларга объектив эҳтиёж пайдо бўлади. Жамият ана шундан келиб чиққан ҳолда бу мутахассислар тайёрлайдиган таълим муассасаларини яратади.

Касбий таълим ўз моҳиятига кўра уч функцияни бажаришга йўналтирилган:

- иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлаш:

- шахсларнинг зарур малакага ёки компетенцияларнинг талаб этилган даражасига эга бўлиши;

- меҳнат бозори ташқарисида қолиши мумкин бўлган аҳоли тоифаларига (мактаб ўқувчилари, аёллар, имконияти чекланган шахслар ва бошқаларга) меҳнат бозорига қайта интеграциялаш.

Диссертациянинг “**Ўзбекистонда касбий таълим тизимининг меҳнат бозори билан узвийлигини таъминлашга йўналтирилган ислохотлар**” деб номланган иккинчи боби Ўзбекистонда яратилган узлуксиз таълим тизимининг самарали касбий меҳнат бозори асоси, касбий таълимнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш йўлларига бағишланган.

Биз меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг касбий таркиби ва касбий меҳнат бозори конъюнктурасини аниқлаш ҳамда иқтисодий асосланган тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида Қашқадарё вилоятида касбий меҳнат бозорининг самарали ривожланиши шароитида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи юзасидан кенг кўламли социологик тадқиқотлар ўтказдик. Ушбу социологик тадқиқотларга вилоятининг меҳнат ресурслари ортиқча бўлган Қарши, Қамаш, Китоб, Косон, Чироқчи, Шахрисабз, ва Яккабоғ туманларидаги 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жалб этилди. Социологик сўровнома натижалари янги иш жойларини ташкил қилишнинг кўпроқ имкониятлари қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (38,7%), саноат (17,2%), савдо, умумий овқатланиш, таъминот, сотиш, тайёрлаш (16,7%), қурилиш (8,3%) ва уй-жой, коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш (5,7%) тармоқларида мавжудлигидан далолат беради.

¹⁰ Фитценц Я. Рентабельность инвестиций в персонал: измерение экономической ценности персонала/ Пер. с англ., под общ. ред. В.И. Ярных. - М.: Вершина, 2006. – С.137.

Социологик тадқиқотларда иштирок этган респондентлар (тадбиркорлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари) ўзаро рақобат шароитида юқори самарадорликка эришишнинг асосий воситаси сифатида касбий меҳнат бозорида юқори малакали кадрларга эга бўлиш деб ҳисоблайди. Шунинг учун улар ўз корхона ва ташкилотларини малакали ходимлар билан таъминлаш мақсадида кўпроқ ўрта махсус (46,5%) ва олий маълумотли (20,9%) кадрларни ёллашни истайди.

Иш берувчиларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи кўпроқ таълим йўналишларининг иқтисодий (15,6%), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси (10,7%), фермер хўжаликларини бошқариш (10,0%), менежмент, маркетинг ва бизнесни бошқариш (9,6%), банк-молия (7,6%), бухгалтерия ҳисоби (7,2%), озиқ-овқат технологияси (6,7%), агрономия (6,1%), бино ва иншоотлар қурилиши (5,3%) каби бўлган оммавий ихтисосликларга тўғри келади.

Иш берувчилар янги ходим танлашда уларнинг ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация технологиялари, юқори меҳнат унумдорлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий онглилигига алоҳида эътибор қаратади (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти иш берувчиларнинг ходимларни ёллаш мезонлари (барча респондентлар - иш берувчиларга нисбатан, %да)¹¹

Ёллаш мезонлари	Жами	Шу жумладан:	
		эркаклар	аёллар
Малака даражаси	38,5	39,8	34,9
Юқори меҳнат унумдорлиги	24,9	26,5	20,3
Ҳалоллиги ва тўғри сўзлиги	14,6	12,5	20,8
Ишлаб чиқариш технологиясини билиши	5,1	4,9	5,8
Ахборот-компьютер технологиясини билиши	3,9	3,2	6,2
Ижтимоий-иқтисодий онглилиги	3,6	3,7	3,3

Социологик тадқиқотларимиз иқтисодийнинг барча соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири - ходимларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш эканлигидан далолат беради. Шунинг учун иш берувчилар ўз ходимлари малакаларини ҳаммадан кўпроқ давлат олий ўқув юртларида (40,5%), махсус курсларда (22,3%), кичик мутахассислар тайёрлашда эса касб-ҳунар коллежларида (14,0%), хўжаликнинг ўзида (13,0%), жаҳон тажрибаларини ўрганиш ва уларни амалиётда тадбиқ этиш мақсадида чет эллардаги ўқув юртларида (6,8%) оширишни хоҳлайди. Улар ходимларни янги касбга ўргатиш ва малакасини оширишнинг камроқ самара берувчи воситаси нодавлат олий ўқув юртлари (3,4%) деб, ҳисоблайди.

¹¹ Жадвал статистик маълумотлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.

Замонавий ишлаб чиқариш касб ва ихтисосликларни, мутахассислар меҳнاتини тубдан ўзгартирмоқда. Ходимларнинг меҳнати интегратив - мураккаб бўлиб бормоқда. Бундай фаолиятни тор ихтисослик доирасида амалга ошириб бўлмай қолмоқда. Шунинг учун ҳозирги давр мутахассисига кенг умумий ва политехник тайёргарлик талаб этиляпти.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиклиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касбий таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга диссертация мавзуси доирасидаги тадқиқотларимиз касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг меҳнат бозорида рақобатбардош эмасликларини кўрсатди. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- таълим мазмунини (касб таълими муассасалари тайёрлов йўналишлари бўйича малака талабларини) ишлаб иш берувчилар иштирокининг пастлиги;

- ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш корхоналарида етарли шарт-шароит яратилмаганлиги;

- коллеж битирувчилари эгаллаган ихтисосликлари бўйича ишлаб чиқаришдаги аниқ иш жойларида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун етарлича амалий тажрибага эга эмасликлари;

- таълим муассасасида олинган билим ва орттирилган кўникмаларнинг ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ эмаслиги;

- ёш мутахассисларни иш жойларидаги шароитлар, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг кўп ҳолатларда қониқтирмаслиги;

- меҳнат фаолиятлари истиқболларининг аниқ эмаслиги;

- амалдаги меҳнат қонунчилигида ёшларга қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилганлиги учун уларнинг иш берувчилар томонидан камситилиши ва бошқалар.

Бугунги кунда касб-ҳунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб эҳтиёж юқори бўлган ва турдош мутахассисликлар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган ва камида иккита хорижий тилни биладиган малакали кадрларни тайёрлаш;

- кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корхоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича касб-ҳунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- етакчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув

лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун касб-ҳунар таълими соҳасига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

- касб-ҳунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма - босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш;

- касбга ўргатиш билан бир қаторда таркибий жиҳатдан умумий таълим олишни биргаликда олиб борадиган, шунингдек, нодавлат таълим секторини узлуксиз давлат таълим тизими билан самарали интеграциялаш, табақалаштирилган таълим жараёнини ташкил этиш бўйича орттирилган амалий тажрибани тизимлаштириш ва келгусида амалиётга жорий этиш;

- мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

- юқори самарали ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва инновацион технологияларга асосланган парклар билан жиҳозланган касб - ҳунар коллежларининг замонавий моддий-техника базасини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш¹².

Ушбу долзарб вазифаларни амалга оширишда касбий таълим тизими билан ишлаб чиқариш ўртасида қалин ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимдир.

Диссертациянинг “Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида касбий таълимда кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари” деб номланган учинчи бобида ривожланган давлатларда касбий таълимни ташкил этиш тажрибаси, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда касбий таълим билан ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш вазифалари ёритилган.

Биз мамлакатда касбий таълимни янада такомиллаштириш учун ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги тажрибасидан ижобий фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Германияда ўз самарасини кўрсатаётган дуаль таълим тизими диққатга сазовордир. Ушбу тизимнинг бош тамойили - “амалиёт орқали ўқитиш”дир. Бу ҳукумат, касбий таълим тизими ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклиги орқали амалга оширилади. Германиядаги мавжуд 2,1 миллионта корхонадан 450 мингтаси ана шу ижтимоий шерикликда иштирок этмоқда. Дуаль касбий таълим тизими учун Германияда йилига сарфланадиган 11,5 млрд.евронинг 5,9

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Халқ сўзи, 2018 йил 26 январь.

млрд.евроси давлат, 5,6 млрд.евроси бизнес ҳиссасига тўғри келади¹³. Бу ўринда дуаль касбий таълим тизимидан давлат ҳам, таълим муассасалари ва бизнес ҳам манфаатдорлигини таъкидлаш лозим (3-расм).



3-расм. Дуаль касбий таълим тизимининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти¹⁴

Дуаль тизимида таълим муассасалари талабаларга зарур назарий ва асосий амалий билимларни берадилар. Бунинг учун одатда ўқув дастурининг 20-25% ажратилади. Талабалар амалий билимлар ва кўникмаларни бевосита корхоналарда оладилар (ўқув дастурининг 75-80%). Талабалар ҳафтанинг 3-4 кунини корхонада амалиёт машғулотларида, қолган 1-2 кунини таълим муассасасида бўладилар. Корхона талабага иш ҳақи (стипендия) тўлайди. Битирувчилар амалиётни ўтаган корхоналарда ишга жойлашишлари ёки бошқа компания ва фирмаларга ишга киришлари мумкин.

Шунингдек, дуаль касбий таълим тизими Европа Итифоқининг қатор мамлакатлари, жумладан Австрия ва Швейцарияда ҳам жорий қилинган.

¹³ Ordinance on Vocational Education and Training in the Occupation of Mechatronics Fitter (English Version). Bonn, Germany: BIBB, 2013.

¹⁴ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Ҳозирги вақтда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Россия ва Қозоғистонда ҳам ушбу тизимни жорий қилиш бўйича чоратadbирлар кўрилмоқда.

Францияда ўрта маълумотли мутахассисларни “устоз-шогирд” усулида тайёрлаш тажрибаси ҳам эътиборга молик. Бу тизим, асосан, умумий таълим олгандан сўнг ўқишни давом эттирмайдиган ёшларга мўлжаллангандир. Бундай талабаларнинг умумий ва назарий (шу жумладан, замонавий технологияларга доир) таълимини Касб шогирдлиги марказлари амалга оширса, амалий машғулотлар бевосита корхоналарда олиб борилади. Марказлар расман Халқ таълими марказига бўйсунди, корхоналар зиммасига эса талабларни иш жойларида касбларга ўргатиш вазифаси юкланган.

Амалга оширган тадқиқотларимиз натижасида биз глобаллашув, иқтисодийнинг барча соҳаларда рўй бераётган ва жадал кечаётган ўзгаришлар касбий таълим сифатига талабни янада кучайтирмоқда деб ҳисоблаймиз. Бу, фикримизча, қуйидагилар билан изоҳланади:

